



Ўзбекистон Республикаси
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi
1974-yil 1-yanvardan
chiqa boshlagan

МУРОЖААТЛАР АСОСИДА МАВЖУД ҲОЛАТ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг мажлиси ўтказилди.
Уни Олий Мажлис Сенати Раиси
Т.Норбоева олиб борди.

Мажлисида Тошкент вилоятида ер участкалари бўлган ҳуқуқлар кафолатлари таъминланиши ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари ҳамда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмиталари томонидан ушбу йўналиш ўрганилган.

Тошкент вилоятида тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг таъминланиши, ердан мақсадли фойдаланиш юзасидан амалга оширилган салмоқли ишлар билан бир қаторда, ушбу йўналишда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, вилоятда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар кафолатларининг таъминланиши ўрганилганда 9 минг 614 та ҳолатда 1 минг 618 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқланган. Шунингдек, вилоят ҳокими қарори билан тадбиркорлик субъектларига ер ажратиб беришда Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Охангарон, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлик туманларида Ер кодекси талаблари бажарилмаган, берилган ер майдонларидан тадбиркорларнинг қандай фойдаланаётгани етарлича назорат олинмаган.

Бундан ташқари, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишидан олдин етказилган зарарни қоплаш чоралари кўрилмаган ва айрим шахсларга етказилган зарарлар бугунги кунга ҳам тўла қопланмаган.

Мажлисида жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилган мансабдор шахслар масаласини қўриб чиқиш ва уларга тегишли чоралар қўриш тўғрисида вилоят ҳокимлиги ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Кенгаш мажлисида айрим бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағлари шакллантирилиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

2018-2020 йилларда тест синовлари шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш учун жамғарма ҳисобидан 93,3 миллиард сўм сарфланган. Шунга қарамай, 2019-2020 ўқув йили қабули тест синовларида иштирок этиш учун ариза берган абитуриентлардан 896,4 миллион сўм ортиқча тўлов ундирилган, 30 миллиард сўм маблағ тижорат банклари депозитларига электрон саралаш тизимисиз тўғридан-тўғри тузилган келишув асосида жойлаштирилган.

Шунингдек, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига риоя қилмасдан 11,2 миллиард сўмлик харидлар амалга оширилган. Жамоат ишлари жамғармаси маблағларидан 26 та туман (шаҳар) аҳоли бандлиги марказларига ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг 2020 йил учун харажатлар сметасига нисбатан жами 259,5 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланган.

Бандлик марказлари томонидан амалда ишсиз, деб эътироф этилмаган ва ҳақиқатда иш билан банд бўлган фуқароларга 93 миллион сўм жамғарма маблағи ноқонуний берилган. Охириги 2 йилда жамғарманинг 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағи ноқонуний сарфланган.

ЎЗА

ЎЗА

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 май куни ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Ўсимликлар ҳимояси – озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажмларини оширишда жуда муҳим тизим.

Шу кунгача бу ишлар биргина “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятига юклатилган эди. Охириги йилларда минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш билан кластер ва фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари ҳам эркин шуғулланмоқда. “Ўзагрокимёҳимоя” хизматларига талаб эса кундан-кунга камайиб бормоқда.

Шу боис йиғилишда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича янги тизим ташкил этиш, ҳудудларда бу борадаги хизматларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятини тугатиб, унинг ваколат ва вазифаларини бошқа тузилмаларга ўтказиш таклифи билдирилди. Бунда, ўсимли-

кларни ҳимоя қилиш ва чигирткага қарши курашиш вазифаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига ўтказилади. Тут парвонасига қарши курашиш Ипакчилик уюшмаси ва унинг таркибидagi кластерлар ҳамда туман ҳокимликларига юклатилади. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминлаш эркин бозор тамойиллари асосида тўлиқ хусусий секторга берилади. Шунингдек, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш хизматлари ҳам танлов асосида тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур таклифни маъқуллаб, бу ислохотларни амалга ошириш учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида республика комиссияси ва жойларда вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузишга кўрсатма берди.

Биолаборатория ва “ўсимликлар клиникалари”ни ташкил

этиб, малакали агроном ва энтомологларни жалб этиб, далагача етиб борадиган хизматлар тизимини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Бунда ҳар бир ҳудуднинг иқлими ва шароитидан келиб чиқиб, иш тутиш талаби қўйилди. Масалан, Сурхондарёда “беда қандаласи”, Бухорода “вилт”, бошқа вилоятларда “помидор куяси” тарқалган.

Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича хорж тажрибасини ўрганиш, кимёвий воситаларни меъёрида ва муддатида ишлатиш бўйича методология яратиш муҳимлиги айтилди.

Соҳа ривожини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга “Агробанк” масъул этиб белгиланди. Замонавий лабораториялар ташкил этиш, ускуна ва техникалар сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг айланма маблағи учун биринчи босқичда 150 миллиард

сўмлик кредит линияси очиш вазифаси қўйилди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Тадбиркорлар харид қиладиган лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар бўйича кредит фоизининг асосий ставкадан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилиши ҳамда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 50 фоизгача бўлган қисмига каффиллик ажратилиши қайд этилди.

Шунингдек, тадбиркорлар томонидан тупроқ таркиби ва ўсимликларни лабораторияларда таҳлил қилиш бўйича фермер ва деҳқонларга кўрсатилаётган хизматларнинг 30 фоизи бюджетдан қоплаб берилади. Биологик ва кимёвий хизмат кўрсатадиган тадбиркорларга амалдаги солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Президент соҳада илм-фан-

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Экологик муҳитни ҳавасли мактаб

Ҳозирги замон умумтаълим мактабига қўйилаётган талаб йил сайин ортиб бораёттир. Бундай талабни ҳаётнинг ўзи қўймоқда. Ўқув муассасалари таълим-тарбия билан биргаликда ёшларга бошқа билимларни, кўникмаларни сингдириб бораётгани яқин келажакда яхши самаралар бериши аниқ. Шу нуқтаи назардан қараганда Олтиариқ туманидаги 3-умумтаълим мактабининг экологик муҳитни яратиш борасида олиб бораётган ишларини башқа ўқув даргоҳларига ибрат қилса арийди.

Маълумки, ҳозирги пайтда инсониятга катта хавф солиб турган улкан муаммолардан бири экологик муаммо ҳисобланади. Экологик фожиянинг келиб чиқишини, унинг бартараф этиш чораларини ёшлар онгига сингдириб туриб, уларни бу ишга яхшироқ жалб этиш қийин кечаетир. Ер атмосферасининг ифлосланиши, ҳавога меъёридан кўп захарли газларнинг чиқарилиши, сувнинг ифлосланиши, атроф-муҳитни ўраб турган дарахтларнинг, яшилликларнинг камайиши жамият саломатлигига хавф солиши кузатилмоқда. Мазкур мактаб жамоаси эса ўқувчилар онгига экологик билимларни сингдириш билан бирга табиий муҳитда уларни амалда кўрсатиш орқали яхши самараларга эришаёттир. Билим даргоҳига киришингиз билан тартибли экилган турли-туман мевали ва манзарали дарахтларга кўзингиз тушади.

Алоҳида режа асосида олиб борилаётган ишлар-

ни айтиб ўтишдан олдин бу мактабнинг тарихий аҳамиятга эга эканини айтиб ўтайлик. Тарихийлиги шуки, бу ерда ўзбек халқининг улуг шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов бошлангич синфда ўқиган. Дарвозадан кираверишда кўриниб турган гилос боғлари олдида ардоқли шоирнинг бюсти ўрнатилган. Ўқувчилар ҳар куни шоир ҳайкали пойига гуллар қўйишади. Шоирликка интилган ёшлар эса шу ерга келиб ўзлари ёзган шеърларини йиғилган ўртоқларига ўқиб беради. Кимдир шоир китобидан ёдлаган шеърларини ўқийди.

– Мактабимиз жамоаси халқимизнинг сеvimли шоири ўзининг болалик йилларини шу даргоҳда ўтказгани билан фахрланади ва ўқувчиларни унинг номини улуғлаб, эъзозлаб юришга даъват этади, – дейди мактаб раҳбари Маъруфжон Максудов.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЭЛЛИКҚАЛҒАДА МИНГ ГЕКТАР МАЙДОНДА ЯНГИ УЗУМ ПЛАНТАЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалға туманида боғбонларнинг баракали меҳнати билан “Тупроқалға” МФЙда жойлашган “Эллиққалға-саховат” МЧЖда 545 гектар майдонда саноатбоп узумзор барпо этилган.

Бу йил эса яна 250 гектар майдонда яратилган янги узумзордан 300 тонна ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда Италия билан ҳамкорликда узумни қайта ишлаш ҳамда вино ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати томонидан тақдим қилинган маълумотга кўра, ҳар гектардан ўртача 20-30 тоннагача ҳосил олиниши кутилмоқда.

ЎЗА

2023 ЙИЛГА ҚАДАР КОРХОНА ИШЧИЛАРИ СОНИ 6 МИНГГА ЕТКАЗИЛАДИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сирдарё вилоятидаги “Sirdaryo Mega Luks” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида қадоқлаш маҳсулотлари, юмшоқ контейнер қоплари, полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, аини пайтда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 50 минг тоннани ташкил этади. Келажакда бу кўрсаткични 150 минг тоннага олиб чиқиш мўлжалланган.

Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Украина, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Арманистон, Афғонистон, Исроил давлатларига экспорт қилинмоқда. 2020 йил якуни бўйича экспорт ҳажми 35 фоизни ташкил этди.

Яқин келажакда корхонада БОПП ва стретч-плёнка, термоформинг ва БОПЭТ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, корхонага яқин ҳудудда ишчи ходимлар учун 9 та 7 қаватли хизмат уйлари, диагностика марказ, болалар боғчаси барпо этиш режалаштирилган.

Айни пайтда корхонада 1600 киши меҳнат қилмоқда. 2023 йилга қадар маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайтирилиши ҳисобига ишчилар сони 6000 тага етказилиши мўлжалланган.

Оқил ҒУЛОМОВ (ЎЗА) олган сурат.



ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▶▶

"Обод маҳалла" давлат дастури амалда!

Эскирган шиналар атроф-муҳит ифлосланиши учун узоқ муддатли манба ҳисобланади



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

"Ёшлик" —

ЭНГ ОБОД ВА КЎРКАМ МАҲАЛЛАГА АЙЛАНМОҚДА

Айни кунларда Навоий шаҳридаги "Ёшлик" маҳалласида "Обод маҳалла" давлат дастури доирасида қурилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мазкур маҳаллада 5 005 та хонадонда 15 558 нафар аҳоли истиқомат қилаяпти.

Дастурга асосан маҳалланинг архитектура қиёфасини янгилаш ва ободонлаштириш ишлари учун 17 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.

Жумладан, 3,6 млрд. сўмлик 7 километр ички йўллар таъмирланади, 2,6 километр шағал ётқизилади ва тежалган маблағ ҳисобидан эса қўшимча равишда 1,3 километр йўллар асфальт қилинади. 5,7 млрд. сўмлик 2,7 км ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинади. 1 млрд. сўмлик 10,5 километр электр тармоқларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади, 164 млн. сўмлик 2 та трансформатор пункти ва 160 млн. сўмлик 228 та таянч устунлар ҳолати яхшиланади.

Худуддаги 1 176 ўринли мактабда эса 6,6 млрд. сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилади.

Шу кунларда маҳалладаги 1277 та яққа тартибдаги уй-жойлардан 215 таси эҳтиёжманд оиланинг

уй-жойлари эканлиги аниқланиб, улар ҳашар ва ҳомийлик ҳисобидан таъмирланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, "Обод маҳалла" дастури доирасида бугунги кунга қадар маҳалладаги 6 километр ички йўлларга ҳомийлик асосида қиймати 600 миллион сўм бўлган шағал ётқизилди, 136 миллион сўмлик 160 дона таянч устунлар ҳамда 164 млн. сўмлик 2 дона трансформатор янгидан ўрнатилди.

736,3 млн. сўмлик 13 километр электр тармоқлари янгидан тортилди. Дастур доирасида қиймати 51 млн. сўм бўлган 5,5 километр газ тармоқлари реконструкция қилинди ҳамда 1277 та хонадонга 1,532 миллион сўмлик газ ҳисоблагичлар тўлиқ ўрнатилди.

Барча кўчалардаги ариқлар чиқиндилардан тозаланиб, дарахт кўчатлари экилди ҳамда уларга шакл берилди.

Маҳаллада белгиланган тадбирлар уюшқоқлик билан давом этмоқда. Натижада, "Ёшлик" — энг обод ва кўркам маҳаллага айланмоқда.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

МУРОЖААТЛАР АСОСИДА МАВЖУД ҲОЛАТ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Мажлисида Сирдарё вилоятидаги "Сардоба сув омбори" тўғрисида юз берган техноген ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди. Техноген ҳолатдан зарар кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳолисига тезкорлик билан зарур ёрдам кўрсатилган эди.

Шунингдек, Сенат аъзолари жойларга чиқиб, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида мавжуд ҳолатни ўрганиб чиққан эди. Бу масала Олий Мажлис Сенати томонидан доимий назоратга олинган.

Жорий йил апрелида Сирдарё ви-

лоятда сув тошқини талафотларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар доирасида Ҳукумат комиссияси томонидан балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларига ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар миқдорини қоплаш ҳамда ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун зарур бўладиган маблағ миқдори ҳисоблаб чиқилган.

Сенат Кенгаши талаб этиладиган маблағни Ўзбекистон Республикаси бюджетидан босқичма-босқич ажратиш таклифини маъқуллади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини 2021 йил 28 май куни қақриш тўғрисида Олий

Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида икки кун (28-29 май кунлари) давомида бўлиб ўтадиган ялпи мажлисида бир қатор масалалар кўриб чиқирилиши режалаштирилган. Шу жумладан, "Транспорт тўғрисида"ги, "Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси

тўғрисидаги масала кўрилади ҳамда Вазиirlар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил ва 2021 йил биринчи чораги якуни бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисобот эшитилади.

Ялпи мажлисида таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳамда коронавирус пандемиясидан кейин туризмни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан Вазиirlар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш, шунингдек, бошқа масалалар кўриб чиқирилиши ҳам режалаштирилган.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Экологик муҳити ҳавасли мактаб



(Боши 1-саҳифада)

— Туманимиздаги бошқа мактабларнинг ўқувчилари ўз устозлари билан бу ерга тез-тез келиб очик дарслар, учрашувлар ўтказиб туришларига ҳам кўникканмиз. Иккинчи томондан экологик муҳитни яратиш бўйича ташаббускор мактаб сифатида ҳам танилиб қолганмиз. Ҳар бир ўқитувчи, ўқувчининг биринчи галдаги қўшимча машғулотини экологик муҳитни яратишга қаратилган.

Мактабнинг бир томонида 22 туп ёнғоқ дарахти параваришланаётди. Маълумки, бу дарахт ҳам ҳавони тозалашда ўзига хос ўрин тутди, меваси эса инсон саломатлиги учун қони фойда. Ўқитувчилар аввало дарахтнинг фойдалилик хусусиятини ўқувчиларга тушунтиришди ва ҳар бир ёнғоқ учун бир неча ўқувчини масъул қилиб бирктиришди. Ги-

лоснинг турли навларидан 140 туп экилган, уларни теришга озроқ фурсат борлиги кўриниб турибди. 4 туп беҳи, 4 туп ўрик, 8 туп лимон (иссиқхонада), 22 туп узумнинг сара навлари барқ уриб ривожланаётди.

Манзарали дарахтлар бу ўқув муассасасининг хуснига хусн қўшиб турганга ўхшайди. Мактаб ичи ва ташқида жами 127 туп арча ўстирилган. 8 туп чинор дарахти, 72 туп терак, 14 туп япон сафораси қишлоқ шароитига мослашиб, яхши ривожланаётди. Атрофдаги гулларнинг сон-саногини йўқ. Ўқувчилар гулларга сира беларво қарашмайди. Ҳатто уларнинг баргига ювиб чиқилади. Ўқувчилар ўзаро мусобақалашган. Қайси ўқувчининг ўз участкасидаги олиб борган ишлари юқори баҳоланса унга албатта, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо мукофот берилаяпти.

Дарҳақиқат, усиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш экологик таълим билан тарбия жараёнини самарали ташкил қилишга боғлиқ.

Мактаб ўқувчилари, қолаверса ўқитувчилари таътилга чиққан пайтларда ҳам бу ерга келиб мавжуд экологик муҳитни барқарор ушлаб туриш борасида келишиб олдилар. Бу тўғрисида тадбир ҳам ишлаб чиқилди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Марат бобо 100 ёшида экологик партия аъзоси бўлди

Боғот туманидаги Найман қишлоғида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Марат бобо Ёмғуров истиқомат қилади. Бир асрлик тарихнинг жонли гувоҳи бўлган шундай бадавлат отахон ҳали теттик ва доимо аъло кайфиятда юради.

Ўзбекистон Экологик партияси Боғот тумани Кенгаши вакиллари тез-тез бобони йўқлаб, унинг ҳолидан хабар олиб турадилар. Ана шундай учрашувлардан бирида отахон юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини асраш, Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни олиқшлаб, бу эзгу ишларга жисмоний қуввати етмасида, дуога қўл очиб кўмақдош бўлиш ниятида экани, шунинг учун партияга аъзо бўлишга қарор қилганини билдирди.

Марат бобо партия сафига қабул қилинди ва аъзолик билети топширилди.

— Уруш қатнашчисининг Экологик партия сафига кириши ўзига хос рамзий маъно касб этади, — дейди Ўзбекистон Экологик партияси Боғот тумани Кенгаши раиси Улуғбек Иброҳимов. — Айниқса, бу кенг жамоатчилик ва ёшлар эътиборини атроф-муҳит мусаффолиги ва табиатни асраш муаммоларига қаратишга ёрдам беради.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Эскирган шиналарни қайта ишлаш қай даражада фойда келтиради?

Эскирган шиналар ва ишдан чиққан резина маҳсулотларини қайта ишлаш муаммоси дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари учун экологик ва иқтисодий аҳамият касб этади. Айни пайтда дунёда эскирган автомобиль шиналари ва резина чиқиндиларини қайта ишлаш ва йўқ қилиш учун қатор технологиялар қўлланилади. Европада шиналарни қайта ишлаш орқали ҳар йили 2,5 миллион тоннадан ортиқ амортизация қилинган автомобиль шиналари шаклантирилади. Уларни майдалаш усули билан қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоиздан ошмайди. Йиғилган шиналарнинг кўп қисми ёқилғи сифатида ишлатилади.

Ўзбекистонда масаланинг ҳолати янада кескинроқ. Тошкент шаҳрининг ўзида йилига 15 минг тоннадан кўпроқ эскирган автомобиль шиналари ҳосил бўлади. Буларнинг кўпчилиги ахлатхоналарда, шаҳар атрофидаги жарликларда тўпланади, бу эса экологик муҳитни янада қийинроқ вазиятга олиб келади.

Эскирган шиналар атроф-муҳит ифлосланиши учун узоқ муддатли манба ҳисобланади. Шиналар биологик парчаланмайди, ёнғун пайтида уларни ўчириш жуда қийин, ёнғанида ҳавога зарарли канцероген моддалар чиқади. Омборхонада эса улар юқумли касалликлар ташувчиси ҳисобланган кемирувчилар ва қон сўрувчи ҳашаротлар учун идеал муҳит бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, амортизация қилинган шиналар таркибида қимматли хомашё, каучук, металл ва тўқимачилик шунини мавжуд бўлиб, улар одатда эксплуатация жараёнида дастлабки хусусиятларини ўзгартирмайди.

Ривожланган мамлакатлар-

да резинани турли хил товар ва материалларда қайта ишлатишга имкон берадиган, ишлатилган шиналарни қайта ишлаш технологияларини яратишга уринишлар бўлмоқда. "EUROPEANRABBER" журналининг хабар беришича, Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар учун эскирган шиналардан иктирий ташаббус билан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган. Ушбу ташаббусларнинг мақсади, янгиларининг сифатини яхшилаш ҳисобига эскирган шиналар сонини 10 фоизга камайтириш, протекторлари қайта ишланган шиналар сонини 20 дан 30 фоизгача кўпайтириш, қайта ишлаш даражасини 30 дан 65 фоизгача ошириш, кўмиш даражасини 50 дан 0 фоизгача пасайтиришдир.

Ҳозирда дунёда резина чиқиндилар ва автомобиль шиналарини қайта ишлаш ва йўқ қилиш учун бир қатор технологиялар қўлланилмоқда. Ушбу технологиялар бутун шиналардан ҳар хил мақсадларда фойдаланишни ўз

ичига олади. Шиналар ва резина чиқиндиларидан энергия ишлаб чиқариш, шина ва резиналарни майдалаш усули билан резина заррачаларини ва қукунини олиш, эски шиналар ва резина чиқиндилари асосида регенераторлар олиш кабилар шулар жумласидандир.

Экология нуқтаи назаридан, ишлатилган шиналарни энергия олиш учун ишлатиш ҳар хил баҳоланади. Бу биринчи навбатда рух ва олтингурут оксидининг атмосферага тушиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, техник жиҳатдан тўлиқ ва хавфсиз ташкил этилган, тегишли тозалаш филтрлари билан жиҳозланган печларда шиналар ёниш маҳсулотлари атмосферани ифлослантирмайди, мумкинлиги таъкидланган. Бироқ, бундай печларни ва зарарли газларни тозалайдиган ва оғир металл бирикмаларини ушлаб қолувчи ускуналарни яратиш жуда катта маблағни талаб қилади. Маълумотларга қараганда, шиналарни ёқилғи сифатида ишлашда 1 тонна учун 20-25 ҳатто

30-35 доллар миқдоридagi харажатлар талаб этилади. Шиналарни ёқиш энергетика нуқтаи назаридан ҳам истиқболсиз. Энергия ишлаб чиқарувчиларнинг маълумотларига кўра, шинада сақланган энергия 27-30 литр нефтни ёқиш натижасида олинган энергияга тенг (21 литр хомашё ишлаб чиқаришга, 6 литр қайта ишлаш жараёнига сарфланади).

Эскирган шиналарни қайта ишлашнинг яна бир усули бу пиролиз усулидир. Шиналар парчалари ва майдаланган резина пиролизи кислород етишмаслиги муҳитида, вакуумда, водород атмосферасида катализаторли ва катализаторсиз, даврий ва узлуксиз реакторларда, мавҳум қайнаш қатламида ҳар хил ҳароратда амалга оширилади. Бу усул бўйича Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан ҳам янги технологиялар асосида муайян ишлар олиб борилмоқда. Уйлаймизки, яқин кунларда ушбу лойиҳалар ўз натижасини беради.

Ҳамза АМИНОВ,
Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти, т.ф.ф. доктори, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,
Мақсудбек АБДУЛЛАЕВ,
институт илмий ходими.

Мутахассис маслаҳатига қулоқ тутинг!
Пахтадан мўл ҳосил олинг!

Фойдани 100 каррага оширсан бўлади.

Сув тақчиллиги шароитида ғўза парвариши

бунда нималарга эътибор қаратиш жоиз?

Деҳқончиликда ҳосилнинг онаси ер, отаси эса сув ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги экинларидан, хусусан, ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан сув билан етарли таъминланишига боғлиқ. Шу боис сув тақчиллиги кузатилаётган ҳозирги шароитда бор ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, суғоришда илғор технологияларни қўллаш талаб этилади.



Ғўзадан мўл ҳосил олиш бир томони табиатнинг ён беришига боғлиқ бўлса, яна бир томони деҳқоннинг тажрибаси, илми ва ғайратига боғлиқдир. Ғўза ривожини тезлаштириш учун биринчи галда, ўз вақтида озиклантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Озик элементларининг танқислиги ғўзадаги ҳаётий жараённинг меъёрида кечиниши бузади. Оқибатда ҳосил камаёди. Олимлар ғўзанинг талаби ва тупроқ-иклим шароитини назарда тутиб, ўсимлик ўсиб-ривожланишининг турли босқичларида ўғитларни ишлатиш усулини ишлаб чиққанлар. Ғўза тупроқ таркибидagi озукани бутун ўсув даврида ўзлаштириб боради. Озуқа моддаларга талаби нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам турличадир. Тупроқ нумдорлигини тиклаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда маъданли ва маҳаллий ўғитларни аҳамияти катта. Тупроқнинг табиий унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳар гектардан 12-14 центнергача пахта етиштириш мумкинлиги олимларимиз томонидан исботланган. Азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан меъёрида озиклантирилса, ғўза ҳосилдорлиги гектарига 30-40 ва ундан ҳам кўп центнерга етади. Ҳозирги вақтда экин тупроққа солинган азотнинг 40-50, фосфорнинг 15-20, калийнинг 50-60 фоизини ўзлаштиради. Ғўзанинг ўсиб, ривожланиш босқичларига қараб, озукани моддаларига талаби ўзгариб туради. У нафақат вегетация даврида, балки ҳосил тугунчалари пайдо бўлиш жараёнида ҳам озукани муҳтож бўлади. Шу боис, ўғитнинг энг мақбул миқдори, муддати, ишлатиш усули озукани моддаларининг ўзаро муносабатларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Зеро, буларни чуқур билиш турли тупроқ-иклим шароитида ҳам ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Илмий асосланган таҳлилларга кўра юқори сифатли ҳосил етиштириш учун тупроқ таркибидa органик ва қийин эрийдиган минерал моддалар етарли эмас. Аммо, тупроқда азот, фосфор ва калийнинг етарли бўлиши ўта муҳимдир. Бир центнер пахта ҳосили етиштириш учун 8 кг азот, 6,4 кг фосфор ва 4 кг калий қўлланилади. Ғўза дастлабки чинбардан биринчи шох шаклангунгача қўшимча азот ва фосфорга муҳтож бўлади. Шу боис, биринчи ҳосил шохчадан гуллаш бошлангунча ғўзанинг азот ва калийга бўлган талаби ортади, гуллаб бошлагач, яна азот ва фосфорга эҳтиёжи ошади. Шу билан бир қаторда, сунспензия сеппиб барг орқали азотли ўғитлардан фойдаланса, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши жаддаллашиб, сўрувчи зараркундаларга бардошлилиги кучаяди.

Шуларни инобатга олиб, одатда ўсиб, ривожланишининг асосий босқичларида азот, фосфор ва калийнинг ўзаро

нисбатлари 1,0-0,7-0,5 тарзда бўлиши лозим. Бунда фосфор ва калийнинг йиллик меъёрига нисбатан 60-70 фоизини шудгорлаш ёки экиш олдида, қолганини ғўзани озиклантириш пайтида бериш керак. Афсуски, айрим фермерлар ерга азот солишга кўпроқ эътибор бериб, бошқа ўғитларнинг аҳамиятини тўғри баҳоламайдилар. Ҳолбуки, ғўзанинг фосфор, калийга бўлган талаби азот билан тенг ва ҳатто ундан ҳам юқоридир. Бир тонна пахта хомашёси тупроқдан 50-60 килограмдан азот, калий ва 23-30 кг. фосфорни ўзлаштиради.

Олимларимиз томонидан ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, ғўза меъёрида озиклантирилса, ҳар бир чанокнинг ўртача оғирлиги 5,5-6,5 грамми ташкил этади. Калий тақчил бўлганда, битта чанокнинг пахтаси 4-4,5 граммдан ошмайди, устига-устак толаннинг пишиклиги, уруғнинг мойлилик даражаси пасаяди. Калийнинг яна бир афзаллиги шундаки, у ғўза ўсиш тўқималарининг чидамлилигини оширади, моддалар алмашинуви яхшилайди. Шундай ўғитлар билан етарли озиклантирилган ғўза қисқа муддатли қурғоқчиликка бардош беради. Суғориш муддати 5-6 кунга кечиктириш

учун имконият яратади. Калий етишмаган тақдирда ўсимликнинг касалликка чидамчилиги сусаяди, асосий танасининг ўсиши тўхтабди. Айниқса, ғўзани бугинлари ўртасидаги оралик сезиларли даражада қисқаради, дастлабки даврда ғўза барги тўқ яшил тусга киради, бу етишмовчилик кучайганда барглр сўлқинирайди, шунингдек, танаси бўшашади, гуллаш ва кўсаклаш жараёни бузилади, ҳосилнинг этилиши ҳар хил бўлади. Минерал ўғит билан бирга гўн, хазон, товуқ ва ипак курти чиқиндиларидан тайёрланган компост берилса, ҳосилга ҳосил кўшилади.

Тупроқнинг табиий намлигини сақлаш, мавжуд табиий намлардан самарали фойдаланиш учун тупроқ унумдорлигини кўтариш лозим, унумдор тупроқ сув сарфини ҳам тежайди. Тавсия этилаётган бу тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида ўтказилиши пахтакорларга табиат инжиқликларини энгиб, юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги
ходими, қ.х.ф.д., профессор,
Журахон АБДУЛЛАЕВ,
бош мутахассис.

Яқинда Қашқадарёнинг тарихий ғўшаси Шахрисабзда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан Энергетика, нефть-газ ва геология соҳаси ходимлари касабаси уюммаси Республика Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган Иссиқлик-энергетика мажмуаси ёш мутахассисларининг Биринчи Ёшлар форуми бўлиб ўтди.

Иссиқлик-энергетика мажмуаси ёш мутахассислари форуми қизғин ўтди



Россия, Озарбайжон, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон вакиллари ҳам иштирок этган халқаро миқёсдаги тадбирда юртимизда фаолият юритаётган ИЭМ оид бўлган йирик компаниялар ва корхоналарнинг ёш мутахассислари, шу йўналишда олий таълим олаётган интилувчан талабалар, жами 500 дан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Форумнинг “Ёшлик куввати”, дея номланиши бежиз эмас. Маълумки, республикамиз энергетика секторининг тараққиёти соҳадаги ёш мутахассисларнинг малака ошириш, тажриба орттириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва келгусидаги муваффақиятларига боғлиқ. Форумнинг “Баркамол ёшлар – мамлакат таянчи!” шиори остида ўтқизилган ҳам унинг асосий ғоясини аниқ ифодалайди. Чунки бу тадбир айнан ижтимоий фаол ёшларни аниқлаш, уларнинг малакавий ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, жамиятнинг фаол ёшлари вакиллари ва энергетика соҳаси ташкилотлари, хорижий компаниялар вакилликлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишда кўмак кўрсатиш каби мақсадларда ташкил этилди.

Форумда иштирок этган “Enter Engineering” компаниялар гуруҳи вакилларидан бири Улугбек Алиқуллов таасуротлари билан ўртоқлашди. – Форум доирасида ташкил

этилган “Карьера”, “Етакчилик”, “Ижтимоий фаолият” мавзуларидаги маҳорат дарслари, Қашқадарё вилоятидаги нефть-газ ва энергетика объектларига экскурсиялар бизда катта таассурот қолдирди. – дейди у. – Форумда биз олган билимлар ва маълумотлар келгусидаги фаолиятимизда профессиональ кўникмаларимизни янада ривожлантиришга туртки бўлишига ишонаман.

Атом энергетикаси мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. “Узатом” агентлиги ва Россиянинг “Росатом” корпорацияси томонидан Атом технологиялари бўйича кўчма ахборот маркази ташкил этилди ва иштирокчилар атом энергетикаси ва ядровий технологиялар соҳасидаги ўз билимлари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, соҳа билимдонлари учун “Нима? Қачон? Қерда?” ўйини ўтқизилди.

Мулоқотлар чоғида ёш мутахассислар еталабалар ИЭМ соҳасининг таълим мутахассислари билан фикр алмашиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш бўйича қатор ташаббус ва ғояларни илгари сурдилар. Ушбу тақлифлар асосида Энергетика вазирлиги томонидан фаол ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ташкил этиб борилади.

Елена ХАМИДОВА,
“Enter Engineering”
PR хизмати ходими.

Мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилмоқда

Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган Халқ қабулхоналарининг асосий вазифаси этиб аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимини йўлга қўйиш, қолаверса, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш белгиланган.

Ушбу талабларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Хива туманида ташкил этилган Халқ қабулхонасида ҳам сектор раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар, ёшлар билан учрашув ва оммавий қабуллар узлуксиз ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хива туманидаги Халқ қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларнинг барчаси назоратга олиниб, қонуний ҳал қилиш учун тегишли идора ва ташкилотларга юборилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам 200 га яқин мурожаат ҳал қилиниб, ижобий ечимини топди. Жумладан, туманининг Отажон Тўра маҳалласида яшовчи, мактабда фаррош бўлиб ишловчи Атажанова Шахло Нукус педагогика институтига, технология таълим йўналишига сирдан ўқишга кирганлиги шу сабабли мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашда амалий ёрдам сўрагани. Унинг мурожаати туман Халқ таълими

бўлими билан ҳамкорликда ижобий ҳал қилиниб, ўз мутахассислиги бўйича ишга бўлди. Шунингдек, 2021 йил 1 апрелда Шомохулум маҳалласида яшовчи фуқаро Қурбанова Моҳира мурожаат қилиб, тадбиркорлик билан шугулланиш учун имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўрагани. Ушбу мурожаат туман прокуратураси билан ҳамкорликда ҳам фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, имкон қадар уларга амалий ёрдам беришдир.

М.АТАЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хива туманидаги Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Мўйноқда артемия цистасини қайта ишлайдиган завод қурилади

Мўйноқ туманида артемия цистасини қайта ишлайдиган корхона ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Орол денгизи сув ҳавзасида овланадиган артемия цистасини қайта ишлаш ва уни экспортга чиқариш бўйича “UMIRGALIYEVA RAYANA” МЧЖ Хитой давлатининг “Fengde LLC”, “Amer International LLC” ва “AIPUFOOD LLC” компаниялари билан ўзаро инвестицион шартнома имзолаб, яқин кунларда ушбу лойиҳаларни йўлга қўймоқчи.



Маълумот берилишича, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги кўмаги билан Хитойда ишлаб чиқарилган артемия цистасини қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айланттириш, қувати йилига 380 тонна бўлган кичик заводни қуриш бўйича шартномалар тузилган.

Бизнес режага мувофиқ, корхона фаолият бошлагандан кейин 60 та янги иш ўрни

яратилади.

Корхонада жаҳон стандартига жавоб берадиган лабораторияда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилса, махсус бассейнларда артемия цисталари кўпайтирилади.

Мутахассисларнинг фикрича, артемия цистасини хомашё турида арзон нархда хорижий давлатга сотгандан кўра уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотган анча фойда-

ли. Масалан, хомашё туридаги цистанинг 1 килосини махсус бассейнларда 100 килога кўпайтириш мумкин. Демак, фойдани 100 каррага оширсан бўлади.

Ҳозирги кунда кичик завод қурилиши учун Мўйноқ тумани эркин иқтисодий зонасидан 1 гектар ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари бошланган.

Е.ҚАНОАТОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

ЭЪЛОН

АСТРАХАНЬ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ФИЛИАЛИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:**
1. Сув биоресурслари ва аквакультура;
- ДОЦЕНТЛАР:**
1. Зоология (0.75); 2. Сув ресурслари ва микробиология(0.5)
- КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:**
1. Физика (1.0);
2. Жисмоний тарбия ва спорт (1.0)
- АССИСТЕНТЛАР:**
1. Инглиз тили (1.0);
2. Жисмоний тарбия ва спорт (1.0)

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: Ижрочи директор номига ариза; сўровнома; таржимаи ҳол; тегишли олий маълумоти ҳақидаги диплом; илмий даража; илмий унвон; илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда уларни тасдиқловчи дипломлар; аттестатлар нусхалар; малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар нусхалари ва илмий ишлар рўйхати (3.4-шакл).

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқилган олдин улар томонидан синов маърузалари (университет профессор-ўқитувчилари учун – очик машғулотлар) ўтказилади. Синов маърузалари ва

очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

Ҳужжатлар куйидаги манзилга топширилади:
100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси 2-уй. Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиали Илмий кенгаши.

Телефон: (+998 90) 122-52-86.

